

Расмий муносабат



Ижтимоий тармоқларда фойдаланувчи Шухрат Қодиров томонидан "Олтинсой тумани "Мүминқул" МФЙ йўллари ёғиргарчилик ва қиш фаслида ботқоқларга айланиб, аҳолининг ҳаракатланишида муаммолар туғдираётганидан шикоят қилиниб, мутасаддилардан қўчаларини таъмирлаб беришларида амалий ёрдам сўралган" мурожаат юзасидан Олтинсой тумани ҳокими Б Махматраемовнинг шахсан ўзи бориб жойида ўрганиш ўтказди.

Ўрганиш натижаларига кўра Б Махматраемов томонидан жорий ҳафта ичида керакли тадбирлар белгилаб олиниши, амалий ишлар бажарилиши ҳақида тушунча берилди. Мурожаатчининг ушбу муносабатдан қониқиш ҳосил қилганлиги билдириди.